

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 159 (10.212)

2004 ЙИЛ 18 АВГУСТ

### ПОЙТАХТНИНГ бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСҚА

● **БУГУН** Собир Рахимов туманида юртимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига туҳфа сифатида бунёд этилган «Қорасарой» гузари фойдаланишга топширилди.

● **ЎТГАН** кун Миробод туманидаги «Оқ уй» маҳалласида уюштирилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда терроризм ва экстремизмга қарши курашда ҳамжихатликка эришиш масалалари хусусида сўз борди.

● **БУГУН** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида шахримиз мактаблари директорлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг қошидаги «Камалак» болалар ташкилотининг мактаблардаги бошланғич ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Акмал Икромов туманида жойлашган Миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида, 193-мактабда терроризм ва экстремизмга қарши курашда ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси ва «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Санжар-Дил» хусусий корхонасида тайёрланаётган тикув маҳсулотлари сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**СУРАТДА:** чеварликка ихлоси баланд Дилноза Фуломова олий ўқув юртида таҳсил олиш билан бирга тикувчилик сир-асрорларини устозларидан кунт билан ўрганмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.



### XXI саҳоси

Барча мавбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентдаги Алишер Навоий номи давлат кутубхонасида сайлов қонунчилигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, илк бор шаклланаётган икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари, сайловчиларнинг ҳуқуқлариغا эътибор қаратилди.

● Оролбўйида «Соғлом бола» ҳафталиги бошланди. Ҳафталик мобайнида Қорақалпоғистондаги барча поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида 5 ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, муолажа қилинади.

● Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида Қўқон шаҳри ташқарисида, Данғара туманида нефть омбори учун янги иншоот қуриб битказилди.

● Янги ўқув йилидан бошлаб Қўқондаги касб-хунар коллежлари сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Туманининг «Байтўрғон» қишлоғида замонавий ўқув маскани — 200 нафардан ортиқ ўғил-қизларга 11 йўналишда касб-хунар ўргатадиган Байтўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодийёт коллежи қад ростлади.

● Зарафшон шаҳридаги «Велин» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасининг туя ва сўй жунидан тайёрланган маҳсулотлари экспорт қилина бошланди.

● Чирчиқ шаҳридаги «Электромимёнаоат» очик ҳиссадорлик жамиятида янги турдаги маҳсулот — кимё саноати учун ўта зарур ГИАП-10 катализаторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.


#### Жаҳонда

● Руанда ҳукумати Суданин Дарфур музофотидаги мураккаб вазиятни барқарорлаштириш ва тинч аҳолини жангари гуруҳлар таҳдидидан қутқариш мақсадида Суданга ўз ҳарбий гуруҳини юборди.

● Америкалик мутахассислар террорга қарши курашда кўзланган мақсадга эришиш учун биринчи навбатда бу борада ахборот алмасувини йўлга қўйиш зарур, деган хулосага келдилар.

● Буюк Британиянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган денгизга яқин Боскелс ҳудудида кучли сув тошқинлари бўлмоқда. Қутқарувчилар зудлик билан аҳолини эвакуация қилишга киришиб кетди.

### Мустақиллик — менки тақдиримда



Мустақиллик туфайли мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланишлар, ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳар биримизнинг қалбимизда фахриятхор туйғуларини жўшурдираётгани сир эмас албатта. Айниқса биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, ҳар томонлама чуқур билим олиб, истеъдодимизни намоён этиш учун яратилаётган бекиёс имкониятлардан ниҳоятда мамнун эканлигимизни эътироф этишимиз керак.

Мана беш йилдики, мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар орасидан энг иқтидорли, истеъдодли қизларнинг танланиб ушбу мукофотга сазовор бўлаётганлиги ҳам Истиклолимиз шарафатидандир. Шунини алоҳида фахр билан айтишим керакки, 2000 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига биринчи бўлиб

мен сазовор бўлганлигимдан жуда ҳам бахтиёрман. Истеъдодимга, билимимга берилган бу юксак ишонч, муносиб баҳо ҳаётимда туб ўзгаришлар ясади десам муболаға бўлмайди.

Музыка — ҳаётим мазмунини десам хато қилмайман. Мана бир неча йилдики, Ўзбекистон Давлат консерваториясида талаба-

бўён Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театри билан ҳамкорлик қилиб, муסיқали драмаларга муסיқа басталаёман. Ўтган йили драматург Салоҳиддин Сироҳиддиновнинг «Осмонинг бағри кенг» спектаклига басталган муסיкам муваффақиятли чиқди. Бу йил ҳам ушбу драматург томонидан яратилган «Фариштали аёл» муסיқали драма ҳам куй басталадим. Яқинлашиб келаётган Энг улуг, Энг азиз

байрамимиз-Мустақиллик кунига янги куйлар яратиб, муносиб туҳфа қилиш ниятидаман. Истардимки, юртимиз тинч, Мустақиллигимиз абадий бўлсин, халқимиз дилида ва тилида гўзал ва мазмунли қўшиқлар доимо янграб турсин.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ўқитувчиси, бастакор, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори.

### ҲАМИША ГЎЗАЛ ВА МАЗМУНЛИ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАСИН

ларга муסיқий назарий фанлар ҳамда бастакорликдан дарс бериб келяман. Шу билан бирга бир қанча қўшиқларга куй басталадим. Мустақиллик байрамига атай алоҳида қўшиқлар яратдим. Шунингдек, охириги уч йил давомида «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқ байрамида шоир Сироҳиддин Саййид шёри билан ижро этилган қўшиқларим фахрли ўринларга сазовор бўлди. Яна шунини ҳам айтишим керак, икки йилдан

Афсуски, дзюдо баҳсларида Рамзидин Саидов рақибига имкониятни бой берди. Мамлакатимизнинг энг кучли дзюдочиларидан Абдулла Тангриев ҳамда Вячеслав Перетейко ҳали беллашувларни бошлагани йўқ.

Спортчиларимиздан бокс, эркин ва юнон-рум кураши усталари номи олимпиада медали учун кураш олиб борадиган асосий фаворитлар қаторида зикр этилмоқда. Боксчиларимиз саралаш учра-



шувларида кетма-кет галаба қозонаётган бўлса, курашчиларимизнинг беллашувлари ҳали олдинда.

**А. Ильясов («Жаҳон» АА)**  
олган сурат.

### Олимпиада-2004

## БАЛЛИ, БОКСЧИЛАР!

АФИНА. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). XXVIII Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик боксчиларнинг чиқишлари катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бунгача Ўткирбек Ҳайдаров, Шерзод Абдурахмонов ҳамда Шерзод Хусанов иккинчи боксчиға йўлланма олган эди. Энди уларнинг сафига Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Бехзод Хидиров ҳам қўшилди.

Покистонлик Аҳмад Суҳайлға қарши рингга чиққан боксчимиз жангини муддатидан олдин ўз фойдаласига ҳал қилди. Учрашув рефериси ик-

кинчи раундда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси 28-8 ҳисобда галаба қозонганини қайт қилиб, Бехзоднинг қўлини баланд кўтарди.



## Иқтисодий

ЯНА БИР  
ЯНГИ  
МАҲСУЛОТ

Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган «Dop-Kihot» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган экологик тоза хом ашёдан тайёрланган сифатли, маза ва чиройли қадокланган маҳсулотлар яна биттага кўпайди.

Мазкур — «Pishloqli» майонези жуда хушхўр ва фойдали неъматларга бой бўлиб, 05 ва 1 литрли идишларда сотувга чиқарилмоқда. Асосийси, майонез тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланилмоқда.

Мана, уч йилдан буён ички бозоримизни сифатли майонез ва кетчуплар билан тўлдиришга астойдил ҳаракат қилаётган «Dop-Kihot»-чилар доимо изланишда. Шу боис ҳам уларнинг маҳсулотлари республика бўйлаб ўз харидорларига эга.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида корхона жамоаси буюртмачиларга 1 миллион 351 минг сўмлик майонез ва кетчуплар етказиб берди. Йил охиригача меҳнат аҳли яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқаришни режаларга. Шунга асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яъни янги замонавий технология келтириб ўрнатиш тадоригини кўрмоқдалар.

МАКТАБ  
БОЗОРИ  
УЧУН

Айни август ойида ота-оналар фарзандлари учун кийим-кечаклар хариди билан машғул бўладилар. Албатта, тадбиркорлар бу мавсумда мактаб ўқувчилари учун бежирим, чидамли, қулай кийим-кечаклар тавсия қилмоқдалар.

— Бугуннинг талабини тўғри анлаган ҳар бир тадбиркор каби мен ҳам, — дейди Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Ботир Дадаматов, — матолар сифатига асосий эътибор қаратаман. Шу боисдан ҳам либослар учун фақат харидорбоп, кўркам, чидамли, қулай ва албатта нисбатан арзон матоларни танлайман.

Хозирда хусусий тадбиркор Б.Дадаматов томонидан ўқувчи қизлар учун юбкаларнинг ўзидан 10 хилга яқини тавсия этилмоқда, улар куз, баҳор мавсумларида кийишга мўлжалланган бўлиб, замонавий бичимли, кўркам матолардан сифатли тикилган. Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун комплектлар ҳам тайёрланган. Умуман олганда, тадбиркор бугунги кунда буюртмалар асосида 36 хилдан ортик турдаги харидорбоп маҳсулотларини «Чилонзор буюм бозори»да сотади.

Муҳаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА


Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси До Мин Куй бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида бўлди.

ВЬЕТНАМ  
ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ  
ТАШРИФИ

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

«Ўзбекистон-Вьетнам» ва «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани қайл этилди.

Мазкур икки жамият ўртасидаги ҳамкорликка оид битим имзоланди. Хужжатга «Ўзбекистон-Вьетнам» дўстлик жамияти раиси Турсунали Қўзиев ҳамда «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси До Мин Куй имзо чекди.



Чинданам, Миробод туманидаги Чехов кўчасига жойлашган 21-уйда ташкил топган уй-жой мулкдорлари ширкати ўз мақсадларини белгилаб, ана шу йўлда имкон қадар изланаётган жамоалардан бири ҳисобланади. Янги ширкатлар ташкил этилаётган вақтда бир неча кўп қаватли уйлари бирлаштирган «Барака коммунал» ширкатига аъзо бўлишган эди. Лекин ўтган уч йил мобайнида уйлarning ҳолатида ҳам, яшовчиларга хизмат кўрсатишда ҳам, хонадон эгаларининг мулкка муносабатларида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Тўланган фойдаланиш харажатларининг қандай сарфланаётгани ҳақида ҳеч кимнинг хабари ҳам йўқ эди. Бундай ҳол, албатта норозиликка сабаб бўлиб, яшовчиларда «Нима учун алоҳида ишлашимиз, ширкат тузишимиз мумкин эмас, ахир бу ўзимиз, фарзандларимиз учун фойдали-ку. Келгусида эса уйимиз ҳолатини сақлашимизда, уни авайлаб-асрашимизда ҳам барчаннинг иштироки таъминланади, тўлаган пулимиз ҳам нималарга сарфланаётганини аниқ биламиз» деган фикр-мулоҳазалар туғилди.

Шу сабаб ҳам хонадон эгаларининг умумий мажлисида ўз уйлари уйлари бошқаришга, мустақил ширкат тузишга келишилди. Битта уйдан иборат «Виждон-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати ана шундай иш бошлади. У фаолият бошлаган илк кезларидаёқ муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхши сақлаш учун тозалikka, сувга тўла зах ертўлани қуритишга алоҳида эътибор қаратди. Ширкатнинг 7 кишидан иборат ходимлари эса аввало яшовчилар билан ҳам-жихатликка интилди. 9 қаватли 234 та хонадон аҳли истиқомат қиладиган уйнинг муаммолари тўлиқ ўрганиб чиқилди. Албатта, бундай катта уйнинг ўзига яраша муаммолари бор, уни бирданга, фақат

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йил баҳорида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпуровчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан бошланган суд жараёни бир неча кунлик танаффусдан сўнг яна давом этапти. Суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Қазақбаев, М.Мирзақулов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, А.Зулпикаров, Қ.Соҳоталиев, Ж.Нигманов, Ё.Умаров, Ҳ.Ишматов, Ҳ.Ҳамроев, Е.Асланов, К.Қаюмова, И.Тошпўлатова, Қ.Туйчиев дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқдориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб қориш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Қайта иш бошлаган суд мажлисининг биринчи куни йигирмадан зиёд жабрланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар вакиллари жиноят иши юзасидан кўрғазма берди. Айбланувчилар аъзо бўлган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган ёвузликлар ва уларнинг оқибати ҳусусида сўзлаб беришди.

Очиқ кўрилатган суд жараёнида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий журналист, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

ЎЗА

## Ширкатларга

АҲОЛИ ФАОЛЛИГИ —  
МУҲИМ ОМИЛ

Кўп қаватли уйнинг йўлакларидан бири ёнидаги кичиккина хонада жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатида барча ходимларга ўзига яраша иш, мақсадига мос юмуш ҳамиша топилади. Хона кичик бўлгани билан бу ерда ширкат аъзолари учун барча маълумотлар мужассам этилган. Мурожаат билан келган ҳар бир мулкдорга эътибор қаратилади.

Ширкат ходимлари меҳнати билан амалга ошириш мушкул. Шу боисдан ҳам ҳар бир мулкдор ширкатга аъзо бўлган хонадон эгалари ўз бурч ва мажбуриятларини тўлиқ англашлари, ширкатга камарбаста бўлишлари лозим. «Менинг уйим — менинг мулким» ширини яшовчилар амалда кўрсатишлари ҳам керак. Бунга эришиш учун эса ширкат раҳбари, ходимлар ҳар бир соҳада яшовчилар ишончини оқлаши керак.

— Хозирда энг катта муаммоларимиздан бири муҳандислик-коммуникация тизимидаги носозликлар натижада айрим хонадонларга иссиқликнинг вақтида етиб

да, — дейди афсус билан уй бошқарувчиси Валентина Токарева. — Уларнинг барчаси тўловга бемалол қурби етadиган хонадон эгаларида. 155-хонадондан Карина Арутюнова (270 минг сўм), 165-хонадондан Владимир Алексеев (225 минг сўм), 188-хонадондан Андрей Мун (200 минг сўм), 88-хонадондан Александр Доронин, 230-хонадондан Лариса Бирюковалар бир неча йиллардан буён фойдаланиш харажатларини тўламай, қўшиллар ҳисобига яшашдан уялишмаппти.

Шу ўринда бир нарсани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Судга берилган яшовчиларни қарзни ундириш ҳақидаги суд қарори суд ижрочилари томонидан суст ижро этилаётганини ширкат раиси алоҳида таъкидлаб ўтди.

Яқинда ширкат фаолиятига озгина бўлсада ижобий таъсир этувчи воқеани ҳам алоҳида таъкидласак арзийди. Негаки бу уларнинг изланишлари, ишнинг тўғри ташкил эта олишлари, савий-харажатлари самараси, албатта. Улар Урбан институти (Тошкент) томонидан ўтказилган «2004 йилда Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг энг яхши иш-таърибаси» танловида қатнашиб рағбатлантирувчи мукофот — 1 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантни қўлга киритишди. «Бир уйда — битта ширкат» шиори остида ишлаётган «Виждон-коммунал» тўғри йўлни танлаганига амин бўлмоқда ва яшовчиларнинг ҳам бунга ишончини оширмоқда.

Олдинда эса режалар кўп. Хозирда қишга тайёргарлик ишлари авж олиб, иссиқлик тизимида жорий таъмирлик профилактика ишлари бажарилмоқда, яқин кунларда уйнинг томида таъмирлаш юмушлари бошлаб буюрилади. Шунингдек, келгусида йўлакларни ҳамда уйнинг теши қўринишини замонавий тарзда қайта пардозлаш кўзда тутилган. Бу юмушларнинг барчаси куч-гайрат ва ҳам-жихатлик, шу билан биргаликда анчагина маблағ талаб этади. Буларнинг муваффақиятли амалга ошиши бир ёқадан бош чиқаришга, кўпроқ аҳолининг фаоллигига боғлиқ.

Шарофат ИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: ширкатда айни кунлардаги амалга оширилаётган ишлар тасвирланган.

Ҳақимжон Солихов  
олган суратлар.



**Сакъат**

**ЖОЗИБАДОР  
КАРТИНАЛАР**

Меҳр ва муруват йили муносабати билан республикамиз расмолари қатор ижод намуналари устида иш олиб бормоқдалар. Истеъдодли мўйқалам устаси Хайдар Санаев ҳам шу мавзуда бир неча картина яратди.

Мусавирнинг «Меҳр» деб номланган янги картинаси ҳам томошабинда яхши таассурот қолдиради. У инсонни яхши ният ва умид билан яшашига даъват этади. Қайта яшарётган дарахт тасвири орқали бу гоё ўз бадий ифодасини тоғди.

Расмининг «Баҳор» деб номланган расми эса кўклам, ёшлик ва романтик ораулар мавзусига бағишланди.

Бу суратлар Тошкентда ташкил этилган «Табиат оҳанглари» республика кўргазмасида яхши баҳо олди.

**«АЛАДДИН»НИНГ  
ИЖОДИЙ  
ПАРВОЗИ**

Пойтахтимиздаги болалар эстрада студияси ташкил топганига ўн йил бўлди. Бугунги кунда «Аладдин» деб номланаётган бу ижодий гуруҳнинг ўтган шу давр мобайнида фаолияти кенгайиб, кўплаб концерт дастурлари сакналаштирилди. Бу томошалардан замонавий эстрада тароналари ҳам ўрин олди.

Студия андиликда болалар мюзик-холл гуруҳига ҳам эса бўлди. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб юзага келган бу гуруҳ томошалари ҳам оммалашиб, кўпчилик эътиборини ўзига тортиқолди.

Шоу-гуруҳи ҳам студия таркибидо фаолият кўрсата бошлади. Унинг халқаро эстрада олимпиадасида иштирок этиши кўпчиликни мамнун этди.

«Аладдин» томонидан тайёрланган навбатдаги янги концерт дастури бу гуруҳнинг ўн йиллик фаолияти учун ўзига хос ижодий ҳисобот бўлди.

Акбар АЛИЕВ

**Мағбурлар**

**ТАРИХИМИЗГА  
БИР НАЗАР**

Донишмандлардан бири «Келажакка йўл тарихдан бошланади», деган эди. Зотан, ўтмиш боқалонларимиз қолдирган бой мерос, ўлмас қадриятлар бугунги куннинг пойдеворини мустаҳкамкор қуришимизда асосий устунлар — мозий бисотимиз жаъохларидир. Шу маънода кунги кеча Марказий офицерлар саройида ўтказилган тадбир «Тарихимизга бир назар» деб номланди.

Маълумки, бу йил мамлакатимизда «Авесто»нинг 2705 йиллиги кенг нишонланди. Унинг жаҳоншумул аҳамияти, бундан минг йиллар олдин кишиларни ягона эътиқод қоярига қорлаган китоб ҳақида кўплаб асарлар ёзилди, у том маънода эътироф этилди. Яна бир ватандошимиз Аҳмад ал-Фаргонийнинг дунё илм-фани, маданиятига қўшган ҳиссаси ҳам алоҳида эътиборга молик мавзу. Тадбирда ана шу икки мавзу юза-сидан суҳбат бўлиб ўтди.

«Авесто» Туронзамин халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутадиган асар ҳисобланади, — деди тадбирни кўриб ўтиш билан очган таниқли публицист Карим Абдурахмонов. — У ёвузлик ва зөгүллик, зулмат ҳамда зиг' ўртасидаги азалий кураш инсоният ҳаётининг маъно-моҳиятини ташкил этишини ўқтиради.

Кечада «Махаббат», «Рамаяна» сингари Шарқ дурдоналари таржималари муаллифи Амир Файзулла, Абдулхамид Нурмуродовлар иштирок этилди. Ва тўлганларга «Авесто» ва буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фаргонийнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳусусида гапириб беришди.

Тадбир якунида ҳарбийларга концерт дастури намойиш этилди.

Хумоюн АЛИЕВ

— Тошкент деганлари Париждан қолишмас экан-ку, — дейди у менга зўрба-зўр русчалаб. Биргина шу сўз, мана шу таърифнинг ўзи юртимиз тобора олам узра донг таратаётганлиги, Ўзбекистонимиз, унинг пойтахти Тошкентимизга бўлган хоржиқларнинг қизиқиши кун сайин ортиб бораётганлигини билдириб турарди. Тунги Тошкент жамолани кўз-кўз қилаётгандек осмон узра айлана-айлана, ниҳоят самолётимиз ерга кўнди. Борт эшиклари очилиб, зинапоёга чиқилишимиз билан шаҳримизнинг ўзимизга таниш бўлган экин хавоси димоққа урилди.

— Салом, она ер, муқаддас тулпарок.

Қисқа муддатли айрилиқ юрагимиздаги юртга бўлган хис-туйғуларни шу қадар уйғотиб юборганига ҳайрон эдик. Шу туйғу, шу фикр бизни эртасига кечки пайт шаҳар кешига қорлади.

Чиндан ҳам оқшом чоғлари пойтахтимиз янада гўзаллашиб кетади. Осмонлар бинолар, чор атофга буй чўзган кафтдек текис ва равон кўчалар, яшил майдонлар, ким ўзарга баҳс боғлагувдек кўкка сув пуркаётган катта-кичик фаввораларга термулиб кўз қамашади. Тунги Тошкент мовий осмонини кезиб юрган ўйноқи шаббодо танангизга ҳузур бағишлайди. Шундай тинч, осуда дамларда ким ҳам пойтахт кўчаларини, сайилгоҳларини кезишни ёқтирмайди, дейсиз. Шаҳримизнинг бугунги жамоли, айниқса, Истиқлол нафаси уфуриб турган бугунги гўзаллиги ҳеч бир кишини лоқайд қолдирмайди. Атофдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳар биримизни ҳайратга солади. Атофни кузата туриб беихтиёр ҳаёлимизга Президентимизнинг қўйидаги сўзлари келди: «Бугунги кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни Мустақиллик, Озодлик, Хуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари мўзар-рар».

Бизда азалдан бир яхши анъана бор. Халқимиз шодифна кўнлар, байрамларни муносиб совғалар билан қутиб олишга одатланган. Мана шу анъанага содиқ қолган кишиларимиз ҳар йили Истиқлол байрамини мамлакатимизда йирик иншоотлар, корхоналар, бог ва хиёбонлар, ўқув даргоҳлари, спорт мажмуаларини фойдаланишга топшириш билан қутиб олади. Албатта, бу йилги Мустақиллик иншоотлари ҳам олдинги йилдагилардан кам эмас. Уларни ўз муддатида топшириш учун барча бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда.

Ҳаёллар оғушида Мустақиллик майдонига келиб қолибмиз. Бир бижилдоқ қизча улкан минора тепасидаги ёзувга қараб, бобосидан сўрайди:

— Хов анави ерда нима деб ёзилган?

— Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри деб.

— Тинчлик дегани нима ўзи, бобо?

— Тинчлик дегани, кўнларимиз фаровон, осуда, ҳеч қандай хавф-хатарсиз ўтсин. Бегубор осмонимизга булут кўнмасин. Юртимиз болалари гам-андуҳ қўрмай, ота-оналари бағрида бахтиёр яшасин, дегани бўтам.

— Дўстлик дегани-чи?

— Дўстлик дегани, одамлар, бир-бирингиз билан аҳил ва иноқ, чин ўртоқ бўлиб яшанг. Бу ўткинчи дунёда бир-бирингизни ҳурмат қилинглар, дегани.

Айни дамда қизалоқ бобосининг сўзлари таг-тубига тўла тушуниб етмас-да, лекин бу гапда яхшиллик маъноси борлигини ҳис этиб, мамнун жилмайиб қўйди.

Хов ана, онасининг қўлидан тутиб олган бир болакай шўҳ ва шодон оқимлайди. Чўки у кўз очиб шу озод Ватанини кўрди. Эртага у катта бўлганда албатта «Шу азиз Ватан — бизники, Тўмарис бизнинг момоимиз, Амир Темур бизнинг бобомиз» деган сўзларни баралла айтади. Чўки унинг юрагига Мустақиллик тафти бор. Аммо ҳозирча бу ҳақиқатни эндигина англаяпти.

Дунёда тинчлик ва дўстлик бор экан, кўнларимиз осуда, фаровон, одамлар бахтиёр, турмуш чарогон. Бугун бу сўзлар нафақат жажжи ўғлон билан бижилдоқ қизалоқнинг, балки бугун жаҳон аҳлининг дилидан мустаҳкам ўрин олган. Тинчлик ва дўстлик барчани бирилаштирадиган, кўларини бир-бирига маҳкам боғлайдиган қудратли кўч. Бугун мана шу майдоннинг гавжумлиги ҳам ана шундан. Май-

донда вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, қурувчилар, ободонлаштирувчилар ўз ишларини давом эттиришляпти. Улар ҳар йилдагидек байрам тантаналари ўтадиган сахнани кўнгилдагидек бунёд этиш, унинг атофтини кўккalamзорлаштириш ишларини қизгин оёлиб боришляпти. Бугун «Мотамсаро она» ёдгорлик мажмуи атофи ташриф буюрувчиларга ўз қучогини янада кенгроқ очган. Анҳор

муддатга тўхташиш билан шунақа маҳобатли кўприкни тезкорлик билан бунёд этишдики, ақали бу жойдан бундан олти ой олдин ўтган одам бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ўз кўзига ишонмайди.

Кичик Халқа йўли пойтахтимизнинг бир неча туманларини қамраб олган. Бу 32 километрдан ташкил топадиган йўл қурилишида олдинги йиллар ҳам бир неча кўприклар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган. Улардан бири бугун биз хикоя қилаётган кўприкдир. Демак, бу йилги байрам арафасида ҳамшаҳарларимизнинг узогини янада яқин бўлади. Хайдовчилар учун яна бир қулайлик яратилади.

Келинг энди, пойтахтимиз кўчаларига бир назар ташлайлик. Шаҳримизда Мустақиллик йилларида қурилган ва кайта тикланган кўчалар озмунчми? Амир Темур кўчаси, Фаргона йўли, Буюк Ипак йўли... Бугун бу йўллар пойтахтимизни узок манзиллар билан боғлайди. Биргина Навоий кўчасини олайлик. У ўтган йили бутунлай қайтадан қурилди.

Биз бу ўринда Европани мамлакатимиз ҳудуди орқали Хитой Халқ Республикаси, ундан кейин эса жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган Тошкент—Андижон—Уш—Қашқар йўли ёки охири бир неча шаҳарларни босиб ўтиб, Туркияга қадар олиб борадиган Тошкент—Сирдарё—Жиззах—Самарқанд—Навоий—Бухоро—Хоразм—Нукус йўллари ҳақида сўз юритмадик. Бу мавзунинг ўзи катта бир мақола-лани ташкил этади.

Бугун биз хикоя қилаётган йўллардан манзил томон ошмаётган машиналарнинг кети узинмайди. Ойдин ва равон йўллардан улар шу қадар текис ҳаракат қиладики, гўё сокин денгизда қайиқ сузиб бораётгандек. Узок манзиллар томон элтувчи бу йўллардан яқин ўтмишда машина тугул, қуш учса қаноти куйганлиги, ахён-ахёнда тўя ва отлик қаровчлар ўтиб қолажагини бугунги бахтиёр ёшлар ҳаёлига ҳам келтира олмайд.

Шаҳримизнинг бугун ўзгача киефа кашф этган бозорлари таърифини келтиришга тил ожиз. Қисқа муддат ичда тамомила янгиланган миллий кўринишдаги ҳунармандчилик ва савдо расталари аждодларимиздан мерос бўлиб қолган зебу зийнат буюмлари ва мева-чева маҳсулотларига тўла. Ахир шунинг ўзи фаровонлигимиз белгиси эмасми?

Бу халқнинг меҳнаткаш ва захи-маткаш инсонлари, богбону миришкорлари бор экан, ҳеч қачон юки ерда қолмайди. Шу ўринда ҳамма ўзича талкин қиладиган бир ривоятини эслагимиз келди. Эмишчи, кўчадан ўтиб бораётган кишининг кўзи терлаб-пийшиб дарахт қаётган бир нуроний мўйсафидга тўшибди. Шунда у ёшини яшаб, умрини ошаган чолга раҳми келиб: «Отаҳон,

бекорга овора бўлиб нима қиласиз, бу экангиз ниҳонлигиз қачон ўсиб ҳосилга қиради-ю, сиз ўзингиз мевасидан қачон баҳраманд бўласиз?» деганида чол қулиб: «Эй меҳрибон йўловчи, мен ўзимни эмас, келгусини ўйлаб иш тутаяпман. Балки сен ўйлагандек, бу дарахтнинг мевасига оғзим тегмас, лекин мендан кейин қолганлар ундан баҳраманд бўлади-арку. Мана шунинг ўзи Оллоҳнинг менга ёғдирган раҳматини марҳамати эмасми?» деган экан. Бу гапни шарҳлаб ўтиришга мутлақо ҳожат бўлмас керак. Яхшиликнинг умри боқий. У ҳеч қачон унутилмайди.

Ишончимиз қомилки, шаҳримизнинг ардоқли, толмас ва фидокор йўлбошчиси, бунёдкор халқи, фаровон ва ободлиги йўлида меҳнат камарини белига маҳкам боғлаган ҳамшаҳарлари ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлган фидойилари бор экан, у кун сайин яйраб-йашнаб бораверади. Асрлар оша номи ва шаъни тилларда дoston бўлаверади.


Бугун биз ҳам унинг бир оддий фуқароси сифатида шаҳримиз таърифини ўзимизча келтиришга уриниб қўрдик. Бу ишни қанчалик удалладик, удаллай олмадик, билмадик. Лекин бир нарса бизга аён. Тошкентимиз шаънига айтганларимиз денгиздан томчи ҳолос. Аслида унинг мадҳини битиш ва қўйлаш учун қанча-қанча бедор туғилар, йиллар керак. Шундай бўлсада, Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида тинчлик ва дўстлик шаҳри деган ном олган Тошкентимиз ва унинг меҳнатсевар бунёдкор инсонлари қўли билан яратилган янгиланишлари яна бир бор тилга олгимиз келди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



**ТИНЧЛИК ВА  
ДЎСТЛИК ШАҲРИ  
— ТОШКЕНТИМ**

Узоқ сафардан қайтиш вақтимиз ярим тунга тўғри келди. Икки ярим соатлик парвозимиз ниҳоясига етиб, борт бекаси самолётимиз Тошкентга етиб келганлиги ҳақидаги хабарни етказди. Нигоҳимиз иллюминатордан паства қадалган. Ўхшаши йўқ ажиб бир манзара. Очиғи, шу ёшга қириб ҳали бунақасини кўрмагандик. Шаҳар эмас, мишги жаннат. Тунги чироқлар шу қадар ёркин порлаб, қўп қаватли уйлар, миноралар, даҳа ва мавзеларни бир-биридан чарогон қилиб турибди. Таърифига тил ожиз. Қани энди деймиз ўзимизча, мўйқалам устаси бўлсағу, тунги Тошкент кўринишини мана шундай аслича матога туширсак. Ишончимиз қомилки, шу асар халқаро кўргазмаларда намойиш қилинса ёки ким ошди савдосига қўйилса, у манаман деган полотнолар қаторидан ўрин олса олардики, улардан асло кам бўлмасди. Ёнимдаги ўриндиқда ўтирган чет эллик меҳмон ҳам бу манзарани кўриб ҳайратда.



бўйлари файзли ва фусункор, ўртага ўрнатилган фавворалар осмон фалакка тўхтовсиз сув пуржаб турибди.

Сайилгоҳини оралаб ўтиб Амир Темур кўчаси бўйлаб кетдик. Бинолар, бинолар, улар шу қадар қўп. Улар орасида қўп юлдузли меҳмонхоналар ҳақиқий қулдуз бўлиб порлаб, манаман деб ўзини кўрсатиб турибди.

Бир чет эллик меҳмон биздан «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасини сўраб қолди.

— Шу рўпарангизда турган бино сиз истаган жой, — дедик унга. Қувайтлик меҳмон Жалол ас-Содиқ ўз таассуротларини биз билан ўртоқлашгиси келди шекилли, деди:

— Тошкент жуда ҳам ўзгариб кетибди. Мустақиллик йиллари унга янги ҳаёт бахш этибди. Замонавий кўчалар, кўприклар, саройлар, янги-янги хиёбонлар пойтахт хуснига ҳусн қўшибди. Бундан 10 йил олдин ҳам тақдир тақозоси билан Тошкентда бўлгандим. Бугунги Тошкентни ўша йилдагисини билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Истиклол, озодлик ва ҳурлик эришган халқ нималарга қодирлигини бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу ҳаммаси тинчлик ва ҳамжихатлик билан қилинаётган меҳнат самараси.

Бугун кичик Халқа йўлида бошқача манзара. Унинг Асомов ва Эргашев кўчалари кесишган ерида янги кўприк қад қўтариб турибди. Мустақиллик иншооти ҳисобланган бу кўприк бугун деярли фойдаланишга тахт қилиб қўйилган. Фақат атофни ободонлаштириш ишларигагина давом этмоқда. Йўлсозлар химматига қойил қолмай илоҳингиз йўқ. Шундай серқатнов кўчада транспорт катновини қисқа

— Жорий йилдими «Меҳр ва мурувват йили» деб номланган азал-азалдан халқимиз ўртасидаги аҳиллик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат, танитлик каби эзгу, айна вақтда анчагина хотирамиздан кўтарилиб қолаётган буюк қадриятларимизнинг тикланишига, бир бириндан ранг олиб гуржираб кетишига туртки бўлди десак муболаға бўлмас керак. — дея сўзини бошлади жамғарма раиси. — Миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatлик муҳитини мустақамлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Республика Вазирлар Маъжасининг 2004 йилдаги тегишли қарори, шаҳар ва туман ҳокимларининг шу асосдаги қарорлари, «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳам ўз дастурини ишлаб чиқди ва бу борада изчил иш олиб борилмоқда.

Жумладан, кам таъминланган яққалғиз қариялар, етимлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш юзасидан туман ҳудудидаги 45 та маҳаллада ҳам дастурлар ишлаб чиқилган ва шу асосда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ийл бошидан биринчи эътибор аҳолининг энг ҳимояга муҳтож қатламини аниқлаш ва уларга бевосита ёрдам кўрсатишга қаратилди. Бунда Янги йил, Курбон ҳайити, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни каби байрамлар муносабати билан доимий равишда тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Масалан, Курбон ҳайитида туманда истиқомат қилув-

чи ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, қариялар, боқувчисини йўқотган жами 1550 нафар фуқароларга 7.999.000 сўмлик ёрдам кўрсатилди. — Маълумки, шу йил март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ва умумхалқ ҳашарлари ўтказилди. Туман маҳаллаларида бу борада қандай юмушлар бажарилди? — Аввало айтиб ўтмоқчиманки, чилонзорликлар тузумини пойтахтдаги энг обод ва ораста, кўкаламзор масканга айлантириш йўлида ҳаракат қилиб келмоқдалар. 45 та маҳалланинг ҳар биринида хайрия ҳашарлари уюштирилди ва уларда мулкчилик шаклидан қатъий назар туманда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалардан бир кунлик иш ҳақи туман «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Энди бу маблағлар бевосита аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, болалар спортини ривожлантиришга сарфланмоқда. Аниқроқ қилиб айтганимиз бўлса, ободонлаштириш ва маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга 10 миллион, кам таъминланган оила-

ларга 7 миллион, мурувват кўрсатиш йўлида 3,3 миллион, болалар спортини ривожлантириш учун 1,5 миллион сўмлик маблағ сарф этилиши режалаштирилган. Наврўз байрамининг ўзида

«Наврўз» маҳалласи 100 дан ортиқ оилаларга айтишга арзигулик моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллаларда «Обод маҳалла» кўрик-танловини ўтказди. Унда аҳоли ўртасида коммунал туловларнинг ўз вақтида тўланишига ҳам эътибор қаратилди. Бундан ташқари спорт майдончаларини ташкил этиш юзасида етмаганда ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ҳамда маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам сарҳисоб қилинди.

Ҳозирги кунда маҳаллалар билан корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳомиёлик шартномаларини тузиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Режага кўра 385 та ташкилотлардан жами 205 миллион сўмлик маблағ тушуши мўъалланмоқда. — Айтиш керак, фуқаролардан келиб тушувчи ариза ва шикоятлар бўйича қандай ишлар олиб борилади? — Шу кунгача жамғармага фуқаролардан 38 та ариза, шикоятлар келиб тушди. Уларнинг ҳар бирини жойига чиқиб, маҳалла оқсоқоли билан ҳамкорликда

ижобий ҳал қилишга эришдик. Яна жамғармага юқори ташкилотлардан келган ва турли мавзуларга доир масалалар билан муножаат қилинган 51 та ҳужжатларнинг ҳам ўзидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинди.

— Бугунги кун маҳалла оқсоқолининг зиммасида жуда масъуляти вазифа турибди. Оқсоқол ҳам тadbиркор, ҳам ишбилармон, ҳам ҳуқуқий саводхон, элларвар, талабчан бўлиши керак. Сизнингча ҳамма маҳалла оқсоқоллари шу каби талабларга жавоб бера оладими? — Йўқ, десам олиб-югуриб иш олиб бораётган оқсоқолларимизни ранжитиб қўйган бўлам. Ҳа, десам ҳали изланиши, ўқини, ўрганиши лозим бўлган оқсоқолларимиз ҳам етарлича топилди. Ахир маҳалла оқсоқолини ўқитиб тайёр қилиб чиқарадиган институт йўқ-ку. Уларни ўзини тайёрлашимиз даркор. Замондан, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, албатта. Утган вақт мобайнида Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси барча маҳалла оқсоқоллари ва раёсат аъзолари билан 24 мартаба йиғилиш ва 4 мартаба сайёр йиғилишлар ўтказди. Республика Адлия вазирлиги, Республика «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ҳамда Тошкент давлат юридик институтини ҳамкорлигида 45 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари малака ошириб, сертификат олишди. Қисқа қилиб айтган бўлса, ҳар жаҳада иш олиб бориш муваффақиятлар омили эканини ёлда тутган ҳолда ишлаяпмиз, ўрганияпмиз, изланияпмиз. Натига ёмон эмас. Олдинда эса режалар бисёр.

Шоира МУҲАМЕДОВА сўхбатлашди.

Шаҳримизнинг Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида хар томонлама ибратли, тинч-товуликда, саранжом-саришталикда бошқаларга намуна бўла оладиган бир хонадон бор. Хонадон соҳиб Холик ота Мирзаев (Оллох Раҳматига олган бўлсин) жуда одамшаванда, эл-юрт, маҳалла-кўй юмушига камарбаста бўлган, ён-атрофи, қўни-қўшниларига меҳрибон, меҳнаткаш инсон эди. Маҳалладаги бирорта тadbир у кишининг иштирокисиз ўтмас, маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан барчаннинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган маҳалла фаолларидан эди.

оқибатли кишилар курсида ҳаётини оқар сувадй ўтиб кетганини сезмай қолдим. Турмуш ўртоғим Холик ота билан ахил-иноқликда

маҳалла хотин-кизлар комиссияси раисаси Зулфия Муминова. — Бу киши шу кунгача эл-юрт хизматида, отир-енгил кунларда доимо ёрдамга шай турган. Ибратли оила бекаси, яхши кўшни. Ўзбекчиликнинг ҳамма удумларига амал қилган, фарзандларини оқ юшиб, оқ тараган, ширин сўзини ҳеч қимдан аямаган, узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб ишлаб, оиласини халоллик билан тебратган инсон.

Мустақиллик йилларида ўзаро тенглик, тинчлик-товулик асосида кўп миллатли халқимизнинг бирдамлигига ҳисса қўшиб келаётган ҳамшаҳарларимиз, ибратли оилаларимизнинг тобора кўпайиб бораётгани кувончли ҳолидир. Халқимизда «Меҳр кўрсатсанг, меҳр оласан», деган нақл бекорга айтилмаган. Жамиятга, инсонларга нафитеккан ҳар бир кишининг ҳаммиса ардоқда, эъзода бўлишини эса уларга берилган мукофот деб билиш лозим. — Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд, — дейди Юнусобод туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Махсума Габулина. — Аксариятида, турли миллат кишилари истиқомат қилинади. Улар бир оиладек тинч-товуликда, баҳамжиҳат иш олиб бораётганлари босис ҳудудимизда ҳаммиса саранжом-саришта-

лик, тинчлик-осудалик ҳукм суради. Кўпчилик бўлиб ўтказиладиган ҳашарларда улар яқдиллик билан қатнашиб, салмоқли юмушларни амалга оширадилар, қийналган оилаларга имкон қадар ёрдам берадилар. 14-15 август кунлари ўтказилган Умумхалқ ҳашарида ҳам барча маҳалладошлар жонбозлик кўрсатиб ишладди. Айниқса, Ғиёс Умаров, «Иттифок», «Ўзбекистон мустақиллиги» каби қатор маҳаллалардаги юмушлар айтишга арзигуликдир. Биргина, «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласининг ўзида 6.100 километр майдон тозалан-

ди, 1100 погон-метрдаги ҳукм суради. Кўпчилик бўлиб ўтказиладиган ҳашарларда улар яқдиллик билан қатнашиб, салмоқли юмушларни амалга оширадилар, қийналган оилаларга имкон қадар ёрдам берадилар. 14-15 август кунлари ўтказилган Умумхалқ ҳашарида ҳам барча маҳалладошлар жонбозлик кўрсатиб ишладди. Айниқса, Ғиёс Умаров, «Иттифок», «Ўзбекистон мустақиллиги» каби қатор маҳаллалардаги юмушлар айтишга арзигуликдир. Биргина, «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласининг ўзида 6.100 километр майдон тозалан-

Отанинг умр йўлдоши Нина Мирзаева эса миллати рус бўлгани ҳолда, маҳалла ахли билан опа-сингил бўлиб кетган, баҳор келиши билан сумалақларга бош бўлиб, ҳаммининг бошини қовуштириб, тadbирларини ўтказиб, ўзбек удумларини ҳеч қийналмай ўргана олган аёл.

Азал-азалдан халқимиз меҳр-оқибатли, кексаю ногиронларга беминнат кўмак бериб келган. Айниқса ўзбек оилаларида фақат бизнинг менталитетимизгагина хос бўлган ажойиб удумларимиз, миллий қадриятларимиз борки улар билан фақат фахрланасанк ярашади. Шу ўринда биз билан ёнма-ён яшаб, бир оила бўлиб, тилимизни, ўрф-одатларимизни қадрлаб келган, фарзандларига ҳам ўзбекона таълим-тарбия, одоб-ахлоқни сингдирган байналмилал оилалар ҳам кўпчиликини ташкил этиши кўнгилларга илиқлик бағишлайди. Бу эса юртимиздаги кўп миллатли халқларнинг тинчлик-товуликда, ўзаро баҳамжиҳатликда яшашлари, меҳнат қилишлари, билим олишлари учун яратилган кенг имкониятлар самарасидир.

Россия давлатидан тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган, шу ерда бахтини топиб, оилани, бола-чақали бўлиб, бекалик гаштини сурган Нина Мирзаева ўз тақдириндан миннатдор. Хозирда кексаёйиб, набирayo кўзлари парваршида бўлган аёл билан сўхбатлашар эканмиз, унинг дил сузлари бизни ҳам беихтиёр тўқинлантириб юборди. — Тақдиримдан минг бора миннатдорман, — дейди яна кўзлари ёшга тўлиб, — Ўзбекистонга келиб кам бўлмадим, ширин сўз, меҳр-

яшаб, уч фарзандни вояга етказиб, юрт ишига ярайдиган инсонлар қаторига қўшдик. Улар ўқимишли, одоб-ахлоқли, меҳр-муҳаббатли бўлганлари учун ҳам мени кексайганда, бетоб ҳолда ташлаб қўйишмади. Қизим Гўзал набирам дўйиб билан туну кун бошимда парвона. Қўни-қўшилари айтмайсики, кунда-кунора холимдан хабар олишади. — Нина я камтарлик қилиптикам бўлмадим, ширин сўз, меҳр-

Маҳалла болалари ўртасида спортга ҳавас уйғотиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш каби қатор хайрли мақсадларни ўзида жамлаган спорт мусобақаларида Собир Раҳимов туман маҳалла болалари ҳам фаол иштирок этишди. — Туманда 58 та маҳалла бўлса, шулардан 26 тасида кўчма оммавий спорт мусобақаларини нийҳоятда кўтаринкиликда, болалонларнинг қўллаб-қувватлаши асосида ўтказилди, — дейди «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши «Камал» болалар ташкилоти раи-

си Ҳабиба Муҳамедова. — Айниқса Умид, Нақшбандий, «Кўштут», «Гуручарик», Охунбобов маҳаллаларида волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси бўйича қизларий бахслар билан

Тўқнақларга

ЮТУҚ ВА ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Маълумки, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳияти ва натижаси кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган. Бу борада қадриятларимиз ўчоғи бўлиши маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ўзининг яхши самараларини бермоқда. Дарҳақиқат, халқимизда «Ватан — остонадан бошланади» деган ибратли нақл бор. Остона — бу бизнинг уйимиз, маҳалламиздир. Маҳалла эса юртининг ободлиги, ривож ва муҳофазаси борасида асосий бўлган вазифасини ўтамоқда. Ўзини ўзи бошқариш тизимидagi ҳар бир ютуқ ва намчиликлар туман ва шаҳар «Маҳалла» жамғармаларида кенг муҳокама этилади, ютуқлар қувонтирса, муаммолар бўйича қўллашмаслаҳат қилинади, илгор тажрибалар оммалаштирилиб бошқа маҳаллаларда ҳам татбиқ қилинади. Биз бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Чилонзор тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси Муҳаммаддон Дехқонов билан сўхбатда бўлдик.

2188 нафар муҳтож оилага 15 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Масалан, «Чилонзор» маҳалласи 2 миллион сўм ҳисобида моддий ёрдам, «Шарқ тонги» маҳалласи кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат 300 минг сўмлик, янги ташкил этилган «Кичик Дўмбироқ» маҳалла фуқаролар йиғини 40 дан ортиқ оилага,

жамми 205 миллион сўмлик маблағ тушуши мўъалланмоқда. — Айтиш керак, фуқаролардан келиб тушувчи ариза ва шикоятлар бўйича қандай ишлар олиб борилади? — Шу кунгача жамғармага фуқаролардан 38 та ариза, шикоятлар келиб тушди. Уларнинг ҳар бирини жойига чиқиб, маҳалла оқсоқоли билан ҳамкорликда

МАҲАЛЛАНИНГ ОТА-ОНАНИНГ

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси

Бугунги кунда маҳаллаларга кириб борган кишининг бахри-дили очилади. Озода, кўкаламзор, райхону-жамбиллар яшаб турган ҳар қандай маскан беихтиёр кўнгилларга илиқлик бағишлайди.

ОЗОДАЛИК — ТАН СИҲАТЛИК ГАРОВИ

Мана шундай орасталарни сақлаш учун эса фидойиллик, шу юрт, шу маҳалла ўзимники, унинг раванқи, ривожланиши меннинг ҳаракатимга ҳам боғлиқ, деган тушунчалар ҳар бир юртошимиз қалбидан жой олиши керак. — Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд, — дейди Юнусобод туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Махсума Габулина. — Аксариятида, турли миллат кишилари истиқомат қилинади. Улар бир оиладек тинч-товуликда, баҳамжиҳат иш олиб бораётганлари босис ҳудудимизда ҳаммиса саранжом-саришта-

ОСУДАЛИГИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Тинч ва осойишта хонадонда, маҳаллада кутбароқа бўлади. Хотиржамлик бўлмаган жойда эса эртанги кунга, келажакка ишонч йўқолади. Шу боис юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳар бир фуқаронинг муҳаддас бурчидир. Маҳаллаларда бу борадаги ишлар тобора такомиллаштириляпти. У ерда фаолият юритаётган ички ишлар ҳодимлари фаолияти ҳам тубдан ўзгартирилди. Эндиликда профилактика инспекторлари фақат жиноятчиликка қарши курашувчилар эмас, балки унинг олдини олиш борасида маҳалла фаоллари ва посбонлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борувчи жонқурларга айланыпти. Яқинда пойтахтимизда амалга оширилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳар биримиздан янада огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбозларининг олдини олиш босисда маҳалла фаоллари ва посбонлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борувчи жонқурларга айланыпти. Бугунги кунда жойларда ички ишлар ҳодимлари ва маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш, учрашув ва сўхбатлар ўтказиляпти. Шундай тadbирлардан бири пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманида бўлди. 48 та маҳалла мавжуд бу туманда нафақат милиция ҳодимлари, балки уларга ўз ихтиёрлари билан ёрдам беришга кўнгилли бўлиб қўшилган посбонлар тунги соқчилик ишларида фаол ёрдам кўрсатяпти. Дарҳақиқат, юрт тинчлиги остонамиз, маҳалламиз осудалигиндан бошланади. Уни мустаҳкамлаш эса ўз қўлимизда.

Н.АБДУРАҲИМОВА, ҲАА мухбири

Ўзбрак

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Серкўёш Ўзбекистонимиз азал-азалдан ширин-шакар сархил мевалари, тапга дармон бағишловчи анжир ўрик, нашватилари, тилими тили кирқ ёрадиган тарвуз-ковунларнинг таърифу тавсифи билан ном қозонган. Дардларга даво жийдасию туршаги, болга тўлган хусайни узумлари жаннатмакон юртимизнинг доврўгини узоқ-узоқларга олиб кетган.



Аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, мана шундай дармондорилар — мевали дарaxтларга эътиборимиз неғадир сусайиб кетгандек. Ахир ота-болаларимиз барча касалликларга шифони мана шу мевалардан излашган ва топишган. Шу ўринда раҳматли Раҳматулла бобомнинг ибратли насухатлари ёлда тушади. «Болам, дер эдилар, кишин-ёзин дастурхонимиздан жийда, туршак, ёнғоқ, мағиз ариман. Бир туп бўлса ҳам мевали дарaxт эк, болаларинг бозордан сотиб олиб эмас, дарaxтнинг ўзидан тўйиб ейишин. Мана шунда хикмат кўп».

— Отахоннинг ишларидан ҳар қанча ибрат оласан арзийди, — дейди 13-умдат килувичи унинг кўшнисини, Тошкент Давлат иқтисодий университетини катта ўқитувачиси Муҳаммадали Эшнараров. — Қани энди кўп қаватдан тўйиб ейишин. Мана шунда хикмат кўп».

Иллар ўтиб улғайиб, фарзандларим камолга етганди энди бу гапларнинг маъзани чақаяпман. Таҳририятимизга худди шу мавзу бўйича кириб келган отахоннинг гапларини диққат билан тинглаб, беихтиёр орадимизда захматкаш, жафокаш инсонлар кўпчилиги ишонч ҳосил қилдим. Салоҳиддин хожи Алоҳиддинов деб ўзларини таништираган отахоннинг: «Атиги 2 сотих ерда мўъжазгина боғ бунёд қилди. Бориб кўринг, кўп қаватли уйлар олдида қаровсиз ўсган экин-кў. Одамлар билса дейман, озгина меҳнат, кунт ва сабот бўлса, ҳамма сени қийиш мумкин». Эшим ҳозир иккиси кам 80 да. Шу вақтга қадар кетмон чапман. «Меҳнатнинг таги роҳат», деб бежизга айтилмаган. Одамлар мевалардан еганда бир оғиз раҳмат дейишга ёки эслаб қўйишса шунинг ўзи кифоя.

Дарҳақиқат отахоннинг фахр билан, ўз меҳнати маҳсули хусусида сўзлаётган сўзлари, кўз ўнгимиздаги манзара бизни лолу ҳайрон қолдирди. Ўзи бир тулу шиғил ҳосилга кирган узум новдаларининг бир-бирига бирик-бирига бирик-бирига қўшилиб қўйишга шунинг ўзи кифоя.

Дарҳақиқат отахоннинг фахр билан, ўз меҳнати маҳсули хусусида сўзлаётган сўзлари, кўз ўнгимиздаги манзара бизни лолу ҳайрон қолдирди. Ўзи бир тулу шиғил ҳосилга кирган узум новдаларининг бир-бирига бирик-бирига қўшилиб қўйишга шунинг ўзи кифоя.

Сиз ҳам азиз ҳамшаҳрим, йўлингиз тушиб Жарарик мавзесидаги «Октепа» маҳалласидан ўтиб қолсангиз, мўъжазгина, тулу райхонлари барқ уриб турган бонга бир назар ташланг ва унда куймаланиб юрган серҳаракат отахондан ибрат олинг. Инсондан яхши ишлару ширин сўз қолади деган нақлни унутмай яшаш ҳар биримизга насиб этсин.



Сиз ҳам азиз ҳамшаҳрим, йўлингиз тушиб Жарарик мавзесидаги «Октепа» маҳалласидан ўтиб қолсангиз, мўъжазгина, тулу райхонлари барқ уриб турган бонга бир назар ташланг ва унда куймаланиб юрган серҳаракат отахондан ибрат олинг. Инсондан яхши ишлару ширин сўз қолади деган нақлни унутмай яшаш ҳар биримизга насиб этсин.

Шажаро МАХМУДОВА СУРАТЛАРДА: «Октепа» маҳалласидаги 13-уй олдида бунёд этилган боғ; узумларни меҳр билан парвартиш қилаётган Салоҳиддин хожи Алоҳиддинов; бир кафт ерда етиштирилган кўлоби зира. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўқилиб домо бўлиб...

- Мухаббат барча яхши, юксак, кудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
- Дунёда куёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташдан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
- Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.
- Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.
- Севги ўлим даҳшатидан кучлироқ.
- Эрак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбигаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўла қонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:

Хаяжон тўлкини,  
хасрат, табассум,  
Ширин хаёллари,  
жон олар масъум,  
Нозик ибодлари  
сенгадир исён —  
Мухаббат соҳиби \  
бахтиёр инсон.

● Тўкилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.

● Яхшиликларни йўқка чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.

● Яхши ишда ҳар доим савоҳат ҳам, куч ҳам бу юмушни охирига етказишга ҳаракат қилади.

● Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

● Жамият кишиларининг фазилати хусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юришти мумкин.

● Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.

● Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.

ХИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир куни сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунликдан халос қилди.

БАЙТ:

Яхшилар кетидан  
агар чопарсан,  
Истагин бахтинингни  
шундан топарсан.  
Яхшига яхши бўл,  
ёмонга ёмон,  
Гулга гул бўлгину,  
тиканга тикан.

● Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва икки юзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларини сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва мурасасиз бўл.

● Одамни ўзига макташ хушомадгўйлик белгисидир.

● Фақат пасткаш одамгина олдинда мактаб, орқангдан ғийбат қилади.

● Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан кўрк.

● Кимки хушомадга учса, химоясиз қолади.

— Сценарийдан келиб чиқдингизми ёки ҳикояданми?

— Уятли бўлса ҳам айтاي: ҳикояни ўқимаган эдим. Кутубхоналарга бориб кўп изладим. Топа олмадим. Сўнгги кадрлар суратга олиниши кунлари, ниҳоят, ҳикояни топдим. Бир зумда ўқиб чиқдим. Яна варақладим. Сценарийдан фарқ қилар экан. Қаҳрамоним Шарофатнинг ўн олти ёшида бир мўйсафидга тортиқ қилинишини тасаввур этдим, кўз ёшимни тўхтата олмадим.

— Ҳикоянинг қаҳрамони Шарофатхон эканлигини кўрибсиз. Фильмда драматургик ургу Самандарга (актёр С.Умаров) берилганини ҳам сезгандирсиз.

— Саидкомил ака ролни ўйнашларини кўриб завқ олдим, ўргандим. Уларнинг рафикалари қиёфасига кирган З.Муминова ҳам ўзбек аёлининг ўтмишдаги аянчли кунлари, оғир қисматини кўрсатишлари дақиқаларини кузатиб бордим. Ёдингиздами, эски аравада кетаётган Шарофат фойтонга, уни ўйнаб-ўйнаб тортаётган чопқир отга, ярим кўтарилган соябон тагида кетаётган, орзу қанотида парвоз қилаётган оппоқ кўйлакли аёлга ҳавас билан қарайди. Юзида табассум пайдо бўлади. Уша оозд аёл, эртанамо соябонли арава томон интилади-да, онасининг қувончига шерик қилмоқчи бўлиб чачвонни аста кўтаради. Онанинг унсиз йигисини кўради. Икки кайфият бир-бирига зид кўйилади. Шунда паранжи ёпинган, ёرғу дунёга чачвоннинг қоп-қора тўри орқали боқишга ўрганиб, кўникиб қолган аёлининг дарди, дунёга сиймайдиган ташвишларидан кинопортретда кўрсатилганидек, хайратга келдим. Бундай кадрлар, яъни мен ва волидаи меҳрибоним акс этган лавҳалар алоҳида-алоҳида суратга олинишини ҳам кўрдим-да, актриса Зулхумор опа партнёрсиз (менинг қаҳрамоним олдиларида бўлмаса-да!) ҳолатга киришларини кузатиб ҳавасим келди. Қандай кучли ижрочи! Саидкомил акачи? Сўнгги эпизодни эсланг: кизини пулга сотмаган, эътиқоди, ўзинча эзгу деб қўлган ниятларидан келиб чиқиб эшонга билёб бўлган шахс - Самандарнинг фожиасини бир-икки аччиқ сўз, жисмоний ҳаракат билан очиси кимни бефарқ қолдиради дейсиз!

— Зулхумор кино институтини таълим олган юксак малакали киноактриса, Саидкомил — театр ва ТВ актёри. Улар билан ёнма-ён туриб ижод этдингиз. Салобати, тажрибаси, ўткир нигоҳлари таъсир этмадими?

— Улар кинодагина эмас, бир зум ҳаётда ҳам ота-онамдек бўлишди. Меҳрини, муруватини сезиб турдим. Кадр қўйили-

ҳаттоки унинг елкасига бошини қўйиб бир сукут ором олгани қайд этилади. Демак, қиз совчи ёшида экан-да, уни келинчак сифатида қўришимиз табиий бир ҳол экан-да, каби фикрлар ҳам пайдо бўлади. Адиб концепциясига ўзгартиш киритилиши фильм марказида Самандар — С.Умаров бўлишига олиб келган. Ваҳоланки, «Қор қўйнида» Самандар эмас, Лола — сизнинг қаҳрамонингиз бўлиши ҳикояда таъкидланган.

— Менимча адабий асар экранда бироз ўзгарishi, табиий бўлса керак. Сценарий муаллифи Ёлқин Тўйчиев Чўлпон руҳини, унинг бадиий таърифини ёдда сақлаган ҳолда мустақил кино асарини яратиш ниятида бўлган. Ҳикоя ихчамроқ, фильм ва сценарий кенгроқ, персонажларга мўлроқ. Шарофат ҳам экранда кўпроқ кўринади. Ҳикояда бир-икки жумладан, икки-уч лавҳада ўз фойдасини топган бу образнинг янги кирралари очилиши учун имкониятлар пайдо бўлди. Масалан, қиз отасининг дардига маҳкам бўлиш, онасини ноҳорликдан кутқариш ниятида «мен розиман» деб кундошларнинг зулмига, қариб қуйилмаган мўйсафиднинг инжиқлигига бардош беришини билдиради-ю, фарзандлик меҳри туфайли яна падари бузрукворини кечиради. Бундай тафсилотлар ҳикояда йўқлигини биласиз.

— Замирахон, мулоҳазаларингиз анча теран кўринсада, Чўлпондек забардаст адибнинг «панжасига панжа урмоқ», уни таҳрир қилмоқ зарурмикан, деган фикр ҳам пайдо бўлди суҳбат давомида. Утган аср бошида ўз бадиий ифодасини топган гоё қайта тафаккур этилиши, унинг янги экран талқини илгаригисига зид бўлмаслиги керақдир. Сизнинг самимиётингизда, қиёфанингизда, мулоҳазаларингизда эса адиб чизган образнинг қўп белгиларини кўрдим. Ҳаётингиз эса унча — эрта узатилган Шарофатхоннига ўхшамайди, албатта.

— Бундай суҳбат, мунозара менга ҳам маъқул.

Ҳамидулла АКБАРОВ  
суҳбатлашди.

Филм ҳақида қўлар

ТАНИШИНГ: ЗАМИРАХОН БЕШИМОВА

Замирани илк бор экранда кўрдим. Самимиёти кўзга ташланди. Бир соатдан ортиқ давом этадиган бадиий фильмда («Қор қўйнида лола») узок ўтмиш муҳитини ҳис этган, қаҳрамони Шарофатхоннинг кечинмаларига ошно бўлган, йигисиди ҳам, кулгисиди ҳам болалик бегуборлигини, соддалигини ҳеч йўқотмай, дастлабки киноролини ўйнаганини кўриб учрашмоқчи бўлдим. Санъат институтининг маънавий ва маърифат хонасига кириб келганида эса дарҳол танимай қолдим. Замонавий либосда пайдо бўлган бу кизалоқ энди Шарофатхонга, Чўлпоннинг қаҳрамонига ҳеч ўхшамас эди. Кўлидаги бир даста қоғоз орасида «Даракчи», «Тасвир» каби газеталар, «Синфдош» журнали ҳам бор экан. Суҳбат давомида улар билан ҳам танишдик: ёш ижрочи ҳақида илиқ сўзлар айтилибди, савол-жавоблар ҳам бўлибди. Журналистнинг қистови билан айтилган сўзларда ҳам самимиётни сездим, Замирада, унинг характерида адиб таърифлаган фазилатлар ҳам мавжуд эмасми, деб ўйлаб қолдим. Шунда дафъатан берган саволимизга дарҳол жавоб олдик-да, яна ўйлаб қолдик:



шидан олдин эса мен билан ҳамкасб сифатида суҳбатлашишлари ёдимда қолди. «Қизим, қизим» дейдилару, ижро дамлариди талабчан бўлишди. Шунда мен ҳам ҳолатга киришга, «отам», «онам»га фарзанд нигоҳи билан қарашга одатландим.

— Замира, ҳикоядаги ва фильмдаги талқин йўллари бир-бирдан фарқ қилади. Чўлпон вояга етмаган қиз эшонга навбатдаги хотин қилиб узатилишидан фарёд чекади. Шу боис ҳам у Шарофат жажжи кизалоқлар билан қонтоқ ўйнаётганини батафсил тасвирлайди-да, совчилар келганини хабар қилади. Сценарий ва фильмда эса Шарофат — сизнинг қаҳрамонингиз эшоннинг ўглига кўнгила қўйган,

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти куни муносабати билан Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий ҳаво кучлари қисмида байрам тадбири ўтказилди.

ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Байрам тадбирида Республика Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий ҳаво кучлари ходимларига йўлланган табриги ўқиб эшиттирилди. Сўзга чиққанлар юртимиз мудофаа тизимиде олиб борилган ислохотлар Ҳарбий ҳаво кучлари учун ўтиш даврини бажарганлигини, хусусан, бу давр мобайнида ҳар бир учувчининг касбий маҳоратини ошириш борасида талайгина ишлар амалга оширилиб, шароитлар яратилиб берилганлигини таъкидлашди.

Юрт тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги, фарзандларимиз бахти-камолти учун осмонимизни химоя қилаётган Ҳарбий ҳаво кучлари кеча-ю кундуз сергак. Байрам кечаси юртимиз қуроли кучларидаги ана шундай хизматларда алоҳида ўрнат бўла оладиган ва муносиб натижаларга эришган хизматчиларга фахрий ёрлик ва мукофотлар топширилди.

Шунингдек, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси томонидан хизмат вақтида ҳалок бўлганлар оила аъзоларига совғалар улашилди. Байрам муносабати билан Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спортнинг турли йўналишларида мусобақалар ўтказилди. Ўзбекистон Қуроли кучлари ансамбли хонандалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Инобат ЭГАМКҲУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

Мағбирулар

Куни кеча Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида шахримиз худудидида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари, профилактика нозирлари иштирокида «Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш бу — бир қулик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки қуликнинг иш, кундалик умумий ҳаракат бўлиши зарур» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Республика ички ишлар вазирлиги ўринбосари Зухриддин Бобокалонов, шахар ҳокимининг ўринбосари Шомурод Муҳаммаджонов ва бошқа мутасадди идора раҳбарлари, иштирок этишди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тадбир давомида айрим хонадонларда рўйхатдан ўтмаган бегона кишилар яшаётганлиги аниқ мисоллар билан қайд этиб ўтилди. Юқорида санаб ўтилган далиллар келажакда турли қонунбузарликлар боқсикчилик ҳолатларини келтириб чиқармаслигига ким қафолат бера олади, деган саволга жавоб излашга ундайди, кишини. Айниқса, йиғилиш дебосида ИИБ матбуот бошқармаси томонидан тайёрланган видеолавҳалар тўпланганларда огоҳлик, хушёрлик, фақуллода ҳолатларга тайёр туриш зарур деган хулосани аёнлаштиришга хизмат қилди.

— Бугунги кун олдимизга долзарб масалаларни қўймоқда, — деди жумладан ички ишлар вазирлиги ўринбосари З.Бобокалонов ўз сўзида. — Мухтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Ўз юртингни, уйингни ўзинг асра» шиори бизни огоҳлик сари қорлайди, албатта.

Йиғилишда сўзга чиққанлар терроризм балоси бутун инсоният бошига қора қўланка солиб турган айна кезларда, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи, ана шундай қилингандагина Истиқлолимизнинг порлоқ истикболи янада нурафшон бўлишини таъкидлаб ўтдилар, ушбу фикрни йиғилганлар бир овоздан маъқуладилар.

Абдужаббор АБДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар  
вазирлиги ҳуқуқбузарлик-  
нинг олдини олиш бош  
бошқармаси бўлим бош-  
лиғи, милиция подполковниги.  
Хидирали ПАНЖИЕВ

**Биласизми?****ДОВУЛДАН ҚОЛИШМАЙДИ**

Шу кунларда Жануби-шарқий Осиё довуллар мавсумини бошдан кечирмоқда. Ёз ойларида Тинч океанидан кўтариладиган даҳшатли довул у ердаги кўплаб мамлакатлар учун катта офатга айланади.

«Рананим» номли кучли довул Япония оролларида яқинлашмоқда.

Кунни кеча тўфон Мияко ороли жанубидаги электр тармоқларини издан чиқарди. У Окинава оролига ҳам жиддий зарар етказди. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 140 километрни ташкил этмоқда. Устига-устак, сурункали ёмғир ёғиб турибди.

РАТА-ТАСС ахборот мақамаси тарқатган хабарга қараганда, кучли тўфон ҳукм сураётган мамлакатнинг жанубий ҳудудларида транспорт алоқаси бутунлай тўхтаб қолган. Натижада аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш ниҳоятда қийин кечмоқда.

Айни пайтда ҳукумат томонидан Мияко оролидаги табиий офатдан зарар кўрган ва жароҳатланган фуқароларга ёрдам бериш, электр таъминоти узилиб қолган жойларда тиклаш ишларини бажариш режаси кўриб чиқилмоқда.

Ўтган йили Мияко ороли «Маэми» довулининг зарбасига дуч келган эди. Натижада кўплаб тураржой бинолари вайронага айланиб, элликка яқин одам жароҳат олганди.

«Рананим» жорий йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларига хавф солаётган ўн тўртинчи довулди. Метеорологларнинг таъкидлашича, «Рананим» 1997 йилги даҳшатли довулдан асло қолишмайди. Ушанда табиий офат 236 одамнинг умрига зомин бўлган, иқтисодий зарар эса 2 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган эди.

Япония жанубини исканжага олган «Рананим» кўшни ўлкаларга ҳам жиддий хавф соляпти. Об-ҳаво шунослар огоҳлантирганидек, пайшанба кунини тўфон Хитойга «юриш қилди». Хитой ҳукумати аввалдан чора кўриб, Чжэцзян вилоятида аҳолини хавфсиз жойларга кўчирганига қарамай, кўпчиликнинг ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда. Сўнгги хабарларга кўра, қурбонлар сони ўттиздан ошган. Икки мингга яқин одам жароҳатланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, у ерда довулнинг тезлиги соатига 160 километрга етган. Довул Шанхай томон сари юриш қилмоқда.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР****ХАРИДОРЛАР, ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Шу йил 23-27 август кунлари Тошкент шаҳридаги доимий фаолият юритаётган минтақавий кўрғазмали савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича мавсумий савдо ярмаркаси ўтказилди.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар,

барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил:  
Навоий ва Фурқат кўчалари  
кесишган чорраха  
(«Хадра» майдони) «Халқ  
истеъмол моллари Тошкент минтақавий  
ярмаркаси» МЧЖ

*Ярмаркага марҳамат! Маълумот учун «Ўзбексавдо»  
акциядорлик компаниясининг телефонлари:  
139-10-93, 139-13-15, 139-46-97.*



**«Ипак Йўли»  
Акциядорлик-инновация  
тижорат банки**

**Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорларга микрокредитлаш Дастури**

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки «Ипак Йўли» Акциядорлик инновация тижорат банки билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ва хусусий тадбиркорларни микрокредитлаш бўйича янги дастурни тақдим этмоқда. Кредитлар фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳри атрофида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга берилади.

**КРЕДИТЛАШ ШАРТЛАРИ:**

- Кредитлар пул ўтказиш ва нақд пул бериш йўллари билан берилиши мумкин;
- Кредит микдори:
  - Нақд пул бериш йўли билан 10.000 АҚШ долларигача сўм эквивалентда;
  - Пул ўтказиш йўли билан 20.000 АҚШ долларигача сўм эквивалентда;
  - Чет эл валютасида 5 000 АҚШ долларигача;
  - Чет эл валютасида икки ва ундан ортиқ маротаба кредит олинганда 10.000 АҚШ долларигача.
- Кредит муддати 1 ойдан 6 ойгача, икки ва ундан ортиқ маротаба кредит олинганда кредит муддати 9 ойдан 12 ойгача;
- Кредит таъминоти: автомашина, асбоб-ускуналар, савдо дўконлари, заргарлик буюмлари.

**КРЕДИТЛАР ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРГА БЕРИЛАДИ:**

- Савдо – воситачилик фаолияти;
- Айланма маблағларни кўпайтириш;
- Хизмат кўрсатиш;
- Асбоб-ускуналар сотиб олиш.
- Сервис хизмати ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш

**Қаерга муурожаат қилиш керак ?**

**«Ипак Йўли»  
Акциядорлик инновация  
тижорат банки  
Фарҳод кўчаси, 12 «а» уй.  
Мўлжал:  
Метронинг «Чилонзор» бекати  
Тел. 76-82-29**

**«Ипак Йўли»  
Акциядорлик инновация  
тижорат банки «Ўрикзор»  
филиали  
Мўлжал:  
«Карвон» бозори  
Тел. 170-63-15**

**Спорт**

**ЕНГИЛ  
АТЛЕТИКАЧИ-  
ЛАРИМИЗГА  
ОМАД  
ТИЛАЙМИЗ**

Греция пойтахти Афина шаҳрида XXVIII ёзги олимпиада ўйинлари кўпгина спорт турлари бўйича авжи қизгин паллага кираётганида кеча ўн нафар олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган енгил атлетикачиларимиз Грецияга жўнаб кетишди.

Бизнинг кўп йиллар давомида нуфузли халқаро мусобақаларда катта тажриба тўплаган Сергей Войнов, Гузел Хуббиева, Замира Амирова, Любовь Перепелова, Эркин Исоқов каби спортчиларимиздан умидимиз катта. Уларга муваффақият ёр бўлишига тилакдошимиз.

**АДОЛАТЛИ  
ҲАКАМЛИК —  
МУВАФФАҚИЯТ  
ОМИЛИ**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2004» спорт мусобақалари ҳакамларини белгилашга доир талбир ўтказилди.

Унда асосан ҳакамлар таркибини аниқлашга муҳим аҳамият қаратилди. Шунинг айтиши керакки, универсиадани ташкил этиш тартиби ўзгартирилганлиги сабабли, унда иштирок этадиган ҳакамлар сони ҳам қисқартирилди. Яна бир янгилик шундан иборатки, «Универсиада-2004» мусобақаларида қатнашувчи ҳар бир ҳакам билан Давлат спорт қўмитаси ўртасида шартнома тузилди. Бинобарин, ҳакам универсиада баҳсларини бошқариш чоғида хатога йўл қўйса ёки спортчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлса, огоҳлантириш олиши, ҳатто ҳакамлик ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилиниши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)



Болалар спорти



**БОҒЧАДА СУВ ВА  
СПОРТ БАЙРАМИ**

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги бошланғич таълим-тарбия марказида тўрт ёшдан ўн бир ёшгача бўлган 240 нафар бола тарбияланади. Уларга мураббий, тарбиячилар меҳрибонлик кўрсатишади. Таълим беради ва тарбиялайди.

Бу ерда болажонларга барча шароит яратилган. Айниқса, улар туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли талбир, танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шаҳар миқёсида бўлиб ўтган «Севимли ўйингоҳ» кўрик-танловида боғча-мактаб жамоаси иккинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда ёзнинг иссиқ дамларида

боғча-мактабда сув ва спорт байрами бўлиб ўтди. Мазкур талбир қизиқарли, ўйин-кулигга бойлиги билан болажонлар қалбида ўчмас из қолдирди.

**СУРАТЛАРДА: сув ва спорт байрамидан лавҳалар.**  
Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



Афсуски, ҳозирда китобни дўст билгувчи ёшлар кўп эмас.

Унга ҳазина деб ҳам қарамайдилар. Аслида бу мавзу ҳақидаги фикрларни жуда кўп газеталарда, журналларда ўқиганмиз. Китобни ўтмиш сандигига яшириб қўйиб, турфа хил киноларни, компьютер ўйинларини «вақтни ўтказишнинг аяло усули»га айлантган ёшларнинг кўпчилиги ҳам сир эмас. Шундай бўлса-да, ҳамма ҳам бундан тўғри хулоса чиқармай ёки чиқаролмай яна ўз йўлида олға қадам ташламоқда. Учраган таъна тошлари эса бир четга сурилган.

Назаримда кўпчилик ёшлар миллий, сиёсий адабиётларга мажбурият юзасидангина муро-

**Муҳожаза**

**КИТОБ — БУ ОҒТОБ**

Китоб — сен дўстимсан, билимлар қони,  
Китоб — сен ҳазина, дурлар макони.

жаат қилишарди. Бугунги кунда ҳатто бадий адабиётлар ихтиёрий равишда қўлга олинмайдиган бўлиб қолди.

Аслида жаҳон адабиёти оламига бориш учун ўз адабиётимизнинг йўлларини босиб ўтишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим.

Балки ёшларнинг китобга қизикмаслигининг яна бир сабаби ҳозирда чакноқ юлдуз мисоли эътиборни тортадиган адаби-

ётларнинг камлигидир. А.Қодирий, Ҳ.Ҳошимов, С.Аҳмад, А.Қаҳҳор асарлари севиб ўқилган-ку ахир. Ҳозир қани ўшаларникидек юракларга ўрнашиб қоладиган, кўнгил торларини чертиб юборадиган асарлар? Бу саволга эса «мана!» деб кўрсатадиган китоблар саноклидир. Агар дил уйини яшатиш учун яна бир безак бўлгучи асарлар кўпайганда эди, ёшларимиз орасида ҳам Отабек ва Қумушлар,

Анвару Раънолар қайта кашф қилинариди? Ахир китоб инсон маънавий онгини юксалтириб, яхши фазилат гулларини яшнатади-ку! Кўнгиллари баҳор бўлган дўгонларим, туйғулари анҳор бўлган азиз дўстларим! Вақтни олтинга қийслайдилар. Бу бойлиқни эса «бир зумлик шодлик»ни сотиб олишга сарфламайлик. Бўш вақтимиз юракларни осмонча ҳиссиётларга тўлдирувчи, бахт қасрига етакловчи китоб билан суҳбатлашишга қурбон бўлсин! У бизнинг энг яқин дўстимиз бўлиб қолсин.

**Гулрухбегим САЙФИДДИН қизи**  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

**Қаққаза**

**БЕПУЛ КОНЦЕРТ**

Ҳожибой лўлилар жамоа ҳўжалигида расик қилаётган ўртоғини йўқлаб борди. Иккови эндигина бир пиёладан чой ичишганди, ичкарига бир лўли кампир халлослаб келибди:

— Ҳожибой деган артист кепти! Ҳойнаҳой, сен бўлсанг керак, — деб қизиқчига юзланибди, у.

— Ҳо-ов хола, нима гап ўзи? — раис уни шаштидан қайтармоқчи бўлди.

— Ҳали билмайсанму, бугун маникида тўйку, охи! Ана шу артисингинан жўр борсанг, икковингаям қулча парилардан муччи обераман!

Раис ҳам, Ҳожибой ҳам «муччи» сўзидан завқланиб қулишди. Кейин раис тушунтирмоқчи бўлди:

— Гап бундай, хола. Бу артис ашула айтадиган артисмас, гапириб қулдирадиган артис...

— Лўлиям одам, лўлиям қулади-ку! — бўш келмади кампир. — Қани кеттук, орқамдан дум бўлинглар!

Раиснинг жаҳли чикди: — Ҳов кампир, қўясанми-йўқми? Қани бир жўнаб қол-чи! Кампириям лўлилиги тутди:

— Ҳов раис, бунчалар дўқинг балат? Дўқингдан ўзинг балат?..

Хуллас, раис ва Тоживой тўйга боради-

ган бўлишди.

Боришса, ростдан ҳам тўй. Каттагина майдонда лўлилар ёнбошлашиб ётишибди. Чойхўрлигу гурунг авжида. Буларни кўриб, ҳамма ўрнидан турибди.

— Мана олиб келдим, — мактанибди кампир. — Халқ оғзига тушкан масҳара мана шу мўйлов экан!

Лўлилар қарсақ чалиб юборишибди. Шундан кейин Ҳожибой ҳам иккала қўлини баланд кўтариб, бор овозда хитоб қилибди:

— Яшасин лўлилар!  
Ҳамма қарсақ чалибди.

— Яшасин лўлиларни қолхоз қилганлар!  
Яна қарсақлар.

— Яшасин лўлиларнинг оқсоқоли — манави раис акамиз!  
Яна қарсақлар.

— Яшасин уларнинг тўйига келган Ҳожибой Тожибой!

— Яна қарсақлар. Шундан кейин

Ҳожибой «Мени концертим тамом» деб эълон қилган экан, яна қарсақбозлик бўлибди.

— Умрингдан барака топ. Лўлиларни қулдирилмасанг ҳам, кўнглини шод этдинг, — миннатдорчилик билдирибди халиги кампир.

Кейин бир гурух лўли қизларга қараб: — Келинлар меҳмонларга муччи беринглар, — дебди. Ҳожибой қараса, аҳвол чаток. Шунинг учун шоша-пиша дебди:

— Йўқ-йўқ, менинг концертим бепул!



Сўзсиз сурат

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳоқимлиги

**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар  
133-28-95, 136-57-65  
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма таъриф, офсет усулида босилади.  
2812 нускада босилади. Кенот бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилади ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Булоқ Тўрқон» кўчаси, 41-уй.